

Санобар АҲМЕДОВА

ОРЗУЛАРНИНГ СЎНГСИЗ УММОНИ

MAJBURIY NUSXA

Қарши
«Насаф» наприёти
2013

84(59)7- ғзб. аға б.

УЎК Ўз.28

КБК 84 (5Ўзб)-3


А 97

Санобар Аҳмедова атрофини қуршаб турган борлиқни, Ватанинг мусаффо осмони-ю, бетакрор табиатни болаларча соф меҳр билан ардоқлайди.

Ота-онасига, яқинларига кўнглидаги энг самимий тилакларни шеър орқали ифодалашга ҳаракат қиласди.

Санобарнинг соф туйгулари шеърият шаклида қанот ёзаверсин деймиз.

41392
41392



А 4702620202-43
376(05)2013 43-2013 © С. Аҳмедова, 2013 йил.

© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-141-0

БУ МЕНИНГ ОНАМДИР

Ширин сўзлари,
Қора кўзлари.
Бу менинг онамдир,
Бу менинг онамдир.

Менга ҳамхона,
Дусту дугона,
Бу менинг онамдир,
Бу менинг онамдир.

Ўзи киймай кийдирган,
Ўзи емай едириган.
Бу менинг онамдир,
Бу менинг онамдир.

АТИРГУЛ

Атиргулни азалдан,
Хидга бой деб аташган.
Тиканлари найза-ю,
Навдаси ёй атапиган.

Гүё қизил, қирмизи,
Сулув қизлар ёлгизи.
Аммо ёлғиз эмас у,
Ёнида бор найзаси.

Қизилми у ё оқми,
Дүстлик рамзи сариги.
Баривир у атиргул
Боғ аро якка сунбул.

ВАТАНИМ

Эй менинг гул Ватаним,
Йигирмага түлдингми.
Йигирма йил ицида,
Шунча чаман бүлдингми.

Ютуқларинг санасам,
Етмадим саногига.
Шунча йил чидадингми,
Жудолик фирогига.

Сени деб бўлди қурбон,
Неча минг азаматлар.
Бўлдилар ҳам қатағон,
Неча минг фидойилар.

Мустақилсан минг шукур,
Барчада битта фикр.
Яшна Ватан умрбод.
Бачамиз яшайлик шод.

ҲАР КУНИНГ БАҲОР

Бахтимдан ўргилай,
Оҳ чаман ўлкам.
Бу кун сен чамансан,
Бир ажиб кўркам.

Сени таърифлашга,
Қаламимдир лол.
Менинг ҳур ўлкам,
Ҳар кунинг баҳор.

ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИГА

Онам ва дадамга

Үз элига зиёкор,
Жон аямас фидокор.
Шифо берар барчага,
Қизғанмайды шифокор.

Сүзида тұла шифо,
Ёмон сұзламас аммо.
Беморни малқам бирла,
Даволар сүзи аъло.

Барча шифолар кони,
Мұғжизалар макони.
Бемор шифо топған жой,
Шифохонадир номи.

Тишми, бошми оғриғи,
Қизиқтирар соғлиги.
Бугун сизнинг түйингиз,
Құтловлар йұқ саноғи.

Дуо қилар ёш қари,
Мақташар сизни бари.
Соғлик ҳамиша даркөр,
Бор бұл әлдә шифокор.

УСТОЗ УЛУФ

Баҳор чечаги устоз,
Мактаб безаги устоз.
Билим макони тенгсиз,
Мәхр уммонаи чексиз.

Сабри тоғлардек бутун,
Одобни құяр устун.
Аъло ўқисанғ билгин,
Мақтайди сени ҳар күн.

Устоз суйиб эркалар,
Ёмон бұлсанғ тергалар.
Эп құради яхшилик,
Раво құрмас ёмонлик.

Қадрига ет у зотнинг,
Бошга күтар устозни.
Ёдингда туттил ҳаргиз,
Устоз улугмас бежиз.

ИЛМ

Илм-бу бир мұғжиза,
Китоблар ҳам албатта.
Илмга чанқоңлик яшар,
Илм излайди барча.

Боши бор, йүқ охири,
Илм күнгил гавҳари.
Мактаб деган даргоҳда,
Жамланган унинг бари.

Менинг зукко тенгдошим,
Олмоқчи бұлсанғ илм.
Қолдирмай ҳеч дарсингни,
Чиниқтиргин ақлингни.

МИННАТДОРМАН

Тутиб устоз қўлидан,
Қадам ташлаб йўлидан.
Билим олиб ул зотдан,
Миннатдорман устоздан.

Қўёшдек буюк устоз,
Билимга тўлиқ устоз.
Ҳатто илм макони,
Қалбга муҳрлар устоз.

Ҳар бир қирқ беш дақиқа,
Қалбимда бир саҳифа.
Жой олади беқиёс,
Мўъжизакордир устоз.

Жанинат фариштасисиз,
Мактаб сарипштасисиз.
Чекдингиз минг заҳматлар,
Раҳмат сизга устоzlар.

КУТУБХОНА

Китобларнинг макони,
Илму ҳикматлар кони.
Чегарасиз томони,
Беҳисоб китоб сони.

Алишмасдим мен агар,
Кутубхонам бўлса гар.
Керакмас эди ҳарна,
Керакмас дуру гавҳар.

Олам-олам қувончни,
Ҳис этдим ул манзилда.
Китобларга тұла ҳаёт,
Китоб сөхри ҳар дилда.

Хуллас, барча дунёда,
Кафе барлар ўрнида.
Кутубхона бор бұлсин,
Дилимизга ёр бұлсин.

СИНФДОШЛАРИМГА

Сиаларга тилайман,
Бир әзгу тилак.
Эришинг дунёда,
Бұлса не керак.

Бор әзгу тилаклар,
Бұлсін сиаларга.
Азиз синфдошларим,
Үғил-қызларга.

ВАТАН

Ватан сўзи ўзида,
Жам бўлади бир жаҳон.
Бу жаҳонда барчамиз,
Яшаймиз тинч фаровон.
Она тилим ватаним,
Ҳар қаричи чаманим.
Камдир қанча мақтасам,
Ҳатто у деб қуйласам.
Ўзбекимни мен бугун,
Кенг жаҳонга мақтайман.
Урфин, одат-удумин,
Ер-фазодек асрыйман.
Ўзбекистондир бу жой,
У шундайин мұътабар.
Ҳар қаричи мунаввар,
Ватанини севади.
Ана шундай Санобар.

ЙИГИТЛАРГА ТИЛАК

Йигитлар белидан,
Тушмасин белбог.
Доимо қўлласин,
Қудратли илоҳ.
Сабрингиз метин,
Иродангиз тог.
Виждон чегарангиз,
Бўлмасин дот.

ОНА ТИЛИМ

Юртимда ярақлаб,
Қуёш бұлиб чарақлаб.
Осмонимда ой тилим
Хикмат сұзға бой тилим.

Сен борсан осмонларда,
Чарақлар она тилим.
Она тилин үзида,
Жам бұлади күп маъно.

Барча тиллар ичидә,
Ўзбегим тили аъло.
Олмошисиз битмас ҳеч иш,
Буни тасдиқлар равиш.

Феъл билан от, сифат, сон,
Анча сўроқларга кон.
Вазифаси турлича,
Суз туркумидир барча.

Она тили юраги,
Чиройли ёзув албат.
Ҳар ишимиз бошида,
Вазир турар ҳуснихат.

Хуллас, аълочи синфдош,
Тил билған бўлмайди кам.
Демак она тилини,
Билиб қўйинглар сиз ҳам.

Алифбонинг охири,
Кенжатой тутуқ белги.
Ундов ва сўроқ гапда,
Шеърим якунлар нуқта.

ИЛҲОМИМ КЕЛСА

Илҳомим келса бироқ,
Шеър ёзаман илдамроқ.
Құлимга олиб қалам,
Ёзаман олам-олам.
Эртак-у ривоятларим,
Шеъру ҳикоятларим.
Хаммага ҳам ёқади,
Сув оқмаган ерларда.
Меҳр бұлиб оқади,
Илҳомим келса бироқ,
Шеър ёзаман илдамроқ.

ГУЛЛАР

Ҳаёт безаги гуллар,
Бизларға керак улар.
Қувонтириб күзларни,
Ёриштирап юзларни.
Ярашади чакканғта,
Тақиб құйсанғ уларни.

Кайфиятинг чоғ қиласар,
Фоят күнглинг тог қиласар.
Ифорлари мұаттар,
Үлардир гүё анбар.

ҚИЗЛАРГА ТИЛАК

Қызларга тилайман,
Олтиндан сарой.
Донолигингиз кетсин,
Етти дунёга.
Ҳавас қиласин сизга,
Дүстүр дугона.
Биллур бошмоқ кутсин,
Күмүш остоңа.
Йүлингиз пойласин,
Олтиндан файтун.
Хурматда үтсин,
Умрингиз бутун.
Бахтингиз кулсин,
Гүёки қүёш.
Бошингиз безаги,
Бұлсин тиллақош.

КЕЛАЖАҚ ТАРИХНИ БИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Тарихни билмасдан,
Маңым бұлмас келажак.
Демак тарихни билған,
Келажакни билажак.

Бизга олий бурч әрур,
Үз әл тарихин билмоқ.
Үз тарихин билғанни,
Яна бурч эъзоз қылмоқ.

Тарих сени билгүнча,
Аввал сен тарихни бил.
Авлодинг кимлар бұлса,
Сен ҳам үшалардек бұл.

КҮЗ ҚОРАМДЕК АСРАЙМАН

Менинг она ватаним,
Донги достон чаманим.
Мақтасам ҳам ҳар қанча.
Камдек тууолар шунча.

Қай тарафинг мақтайин,
Яшнаб боргин күн сайин.
Биз баҳраманд бүлайлик,
Нур сочгин қүёшдайин.

Ҳар тарафинг муаттар,
Гуллолалар үралган.
Сенинг ҳар бир фарзандинг,
Шу гуллардан яралган.

Сени, она ватаним,
Ҳар шеъримда мақтайман.
Керак бўлса, ватаним,
Кўз қорамдек асрайман.

ДАДАМ ДОИМ ШУНДАЙ ДЕР

Ҳалол бўлсин болам дер,
Жоним болам бўтам дер.
Доим инсофли бўлгин,
Виждонингга қулоқ тут.
Дадам доим шундай дер.

Кам бўлмасин болам дер,
Олим бўлсанг қанийди.
Ҳеч бўлмаса одам бўл,

Эгри бўлма тўгри бўл.
Дадам доим шундай дер.

Майли белим букчайсин,
Майли сочим оқарсин.
Ажин улгур қўпайсин,
Аммо болам ўқисин,
Шундай дейди дадалар.

ОПАЖОНИМ

Менинг битта опам бор,
Фақат якка-ягона.
Исми жисмига монанд,
Дейишади Ирода.

Меҳри чексиз, самимий,
Менга сирдош ҳақиқий.
Покиза қалб сиазда бор,
Умр тилайман боқий.

Сизга эзгу дунёдан,
Бегубор тилак қилдим.
Сиздайин тополмайман,
Буни мен энди билдим.

Ўқиши тез тамомлаб,
Бўлинг катта ҳамшира.
Бор эзгу тилак сизга,
Шифокор бўлинг тезда.

МУНДАРИЖА

Бу менинг онамдир.....	3
Атиргул.....	3
Ватаним.....	4
Ҳар кунинг баҳор.....	4
Шифокорлар байрамига.....	5
Устоз улуг.....	6
Итм.....	6
Миннатдорман.....	7
Кутубхона.....	8
Синфдошларимга.....	8
Ватан.....	9
Йигитларга тилак.....	9
Она тилим.....	10
Илҳомин келса.....	11
Гуллар	11
Қызларга тилак.....	12
Келажак тарих.....	12
Күз қорамдек асрайман.....	13
Дадам доим шундай дер.....	13
Опажоним.....	14

АДАБИЙ - БАДИЙ НАШР

Санобар АҲМЕДОВА

ОРЗУЛАРНИНГ СҮНГСИЗ УММОНИ

Муҳаррир:

Ю. Зиёдов.

Техник муҳаррир:

Ч. Раҳмонов.

Мусаҳҳиҳ:

Ю. Зиёдов.

Саҳифаловчи:

Ш. Алишер қизи.

Наприёт лицензия № АI 139, 27.04.2009 йил. Теришга 11.04.2013 йилда берилди. Босимга 16.05.2013. йилда руҳсат этилди. Бичими $84 \times 108_{1/32}$. Офсет қоғози. BodoniTAD гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 0,84. Нашр босма табоги 0,43. 20-2013 шартнома. 30-бујуртма. 100 нусхада. 16 бет. Эркин нархда.

**«Насаф» наприёти, 180118, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳкӯчаси, 22-й.**

**«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкӯчаси,
22-й.**